



102

QAROR - ҚАРОР

х.п. ш.ф.

2007 yil «24» ноябр

№ 1163-К

**Фуқаро Халилов Жамшедга темирчилик
ва пайвандлаш цехи қуриш учун
0,1 га ер майдони ажратиш ҳақида.**

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини қишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужалиқларига ва бошқа ташкилот, қорхоналарга узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссиясининг 2007 йил 3 апрелдаги 9 сонли қарори, ишчи гуруҳ тамонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, ва фуқаро Халилов Жамшедни туман ҳокимлигига берган аризасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуқаро Халилов Жамшедга темирчилик ва пайвандлаш цехи қуриш учун «Улутбек» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги давлат захира ерлари ҳисобидан 0,1 га (шундан: 0,1 га қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини қишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужалиқларига ва бошқа ташкилот, қорхоналарга узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссиясининг 2007 йил 3 апрелдаги 9 сонли қарори ва ишчи гуруҳ тамонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Темирчилик ва пайвандлаш цехи қуришда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 рақамли моддаларига амал қилинган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утқазилган вазифаси фуқаро Халилов Жамшедга топширилсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев